

Маккадаги 166 та бино ҳаж зиёратчилари учун рухсатнома олди



15:47 / 26.12.2023 1776

Саудия Арабистони ҳукумати 2024 йилги ҳаж зиёратига тайёргарлик кўриш билан бир қаторда ҳаж мавсумида мусулмон зиёратчиларни жойлаштириш учун Макка шаҳрида 166 та бинога лицензия берди.

Ҳаж уй-жой қўмитаси кейинги ойгача бинолар учун кўпроқ аризаларни қабул қилади. Биноларни рўйхатга олиш жараёни беш мингтадан ошиб кетиши кутилмоқда.

Шунингдек, қўмита ҳар бир бино эгасидан уларнинг конструкцияларини муҳандислик идоралари томонидан тасдиқланишини ва бинонинг талабга

жавоб беришига ишонч ҳосил қилишини сўради.

Эслатиб ўтамиз, 2023 йилда 2 миллионга яқин зиёратчи ҳаж ибодатини адо этган бўлса, бу йил бундан ҳам кўпроқ зиёратчилар ташриф буюриши тахмин қилинмоқда.

Пандемиядан кейин вазият барқарорлашгани сабабли Саудия Арабистони ҳаж мавсуми учун янги қоидаларни ошкор қилди.

Саудия Арабистонининг ҳаж вазири Тавфиқ Ал-Рабиаҳнинг сўзларига кўра, мамлакатлар учун жойлар биринчи келганлар учун банд қилинади. Шартномани муддатидан аввал тугатган мамлакат энг яхши жойларни танлашда устунликка эга бўлади.

Расмийлар юқори сифатли хизматлар ва муаммосиз жараённи таъминлаш учун мамлакатларга 2024 йилги ҳажга тайёргарликни бошлашни таклиф қилди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳаж ибодатига визалар бериш 2024 йилнинг 1 мартдан бошланиб, шу йилнинг 29 апрель куни тугайди. 2024 йилда ҳажга тайёргарлик анча осонлашади. Онлайн ариза бериш тизими йўлга қўйилади. Бу эса ўз навбатида зиёратчиларга керакли маълумотларни юклаш ва ўзларига қулай вақтда Ҳажга рўйхатдан ўтиш имконини беради.